

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ РУСТАМ ХАМРАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДУЛ-РЕЙТИНГ ТАЪЛИМ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРЛИК (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Файзуллаев Рустам Хамраевич

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини
модулли-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш..... 5

Файзуллаев Рустам Хамраевич

Совершенствование учебно-познавательной компетентности будущих
учителей профессионального обучения на основе модульно-
рейтингового обучения..... 23

Fayzullaev Rustam Khamraevich

Improving cognitive competence of future teachers of vocational training on
the basis of module-rating education 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ РУСТАМ ХАМРАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДУЛ-РЕЙТИНГ ТАЪЛИМ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРЛИК (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped858 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алихонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Муллахметов Радик Гилязович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Ped/P.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “14” май кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; E-mail: moqt@markaz.uz)

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17).

Диссертация автореферати 2019 йил “4” май кунини тарқатилди (2019 йил “4” май даги 16 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Э.Курбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

С.Т.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-маърифий ва таълимий ўзгаришлар бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда ўқув-билиш компетентлиги муаммоларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Европа иттифоқи ва ЮНЕСКО ташкилотлари томонидан қабул қилинган Сарбон декларацияси (Sorbonne Declaration), Иллинойс университети (АҚШ) “Iearn” ва “Kidlink” минтақавий таълим дастурлари мазмуни ана шундан далолат беради. Бугунги кунда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмунига муҳим ўзгартиришлар киритиш, ўқитишнинг модул-рейтинг тизимини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида самарали жорий этиш, уларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш метод ва шакллари қайта кўриб чиқиш долзарб педагогик муаммолардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, бўлажак мутахассисларнинг касбий шаклланишида ўқув-билиш компетентлиги муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг инновацион ривожланиши талабларига мос сифатли таълим олишни таъминлаш мамлакат таълим сиёсатининг стратегик мақсадларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш эса бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган ўқитишнинг модул-рейтинг ва “Interactive professionalism” технологиялари, “Test master” дастурлари доирасидаги “Test view”, “Test editor”, “Test server” модулларини таълим жараёнида жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация воситалари асосида модул-рейтинг технологияси имкониятларини кенгайтириш, умумқасбий ва махсус фанлар модуллари вариативлигини таъминлаш, баҳолаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишларида ўқитиш натижалари ва талабарларнинг касбий билимларни ўзлаштиришлари даражасини баҳолашнинг модул-рейтинг тизими ўқув фанларининг рейтинг-режасига мувофиқ компетентли ёндашув асосида жорий этилмоқда. Ўргатувчи дастурий воситалар ва баҳолашнинг модул-рейтинг тизими дидактиканинг қуйидаги асосий тамойилларини жорий этишни тақозо этади: илмийлик, тизимлилик, модуллилилик, изчиллик, кўрғазмалилик, касбий тайёргарлик. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифаларга мувофиқ талабаларни касбий шакллантиришда ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини қўллаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

“Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги ва 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълимни ислоҳ қилиш шароитида бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг метод, шакл ва воситаларини замон талаблари даражасида такомиллаштириш заруратга айланди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида билим, кўникма, малака касбий компетенцияларни шакллантириш муаммолари, уларни касбий тайёрлаш жараёнининг турли аспекти, таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари республикамизнинг таниқли педагог олимлари, жумладан, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, Ш.Э.Қурбонов Д.Д.Шарипова, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Химматалиев, О.Х.Тўрақулов, шунингдек мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари В.И.Андреев, А.М.Аронов, С.Я.Батишев, В.И.Байденко, В.А.Ермоленко, Э.Ф.Зеер, Г.И.Ибрагимов, А.М.Новиков, А.В.Хуторский, Ю.К.Бабанский ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим олувчиларда ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш ва таълим жараёнида ўқитишнинг модул-рейтинг технологияларини қўллаш масалари Г.И.Ибрагимов, В.М.Монахов, А.М.Новиков, К.Г.Митрофонова, О.В.Соколова, А.В.Хуторский ва бошқаларнинг илмий изланишларида акс этган.

Касб таълими жараёнида модулли ўқитиш ва баҳолашнинг илмий-педагогик асослари Қ.Т.Олимов, С.Ю.Ашурова, И.Отабоев, Н.Ҳ.Авлияқулов, М.И.Даминов, Ю.К.Бабанский, В.М.Гореев, М.А.Чошанов, Ю.Ф.Тимофеева ва хорижий мамлакат олимлари П.А.Юцявичене, Дж.Равен, J.D.Russell, В.Goldschmidt, M.Goldschmidt, G.Owens томонидан ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлар режасининг “Суғориш сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” муаммоси бўйича “Малакали кадрларни тайёрлашда педагогларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг таълим асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини қўллаш ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш, мавжуд муаммолар ва ўқув-билиш фаолиятига қўйиладиган талабларни аниқлаш;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва уни амалда жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

- модулли билиш дастурини ишлаб чиқиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнида жорий этиш, талабаларнинг билимини модул-рейтинг тизими асосида баҳолаш;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш моделини жорий этишнинг методик таъминотини модул-рейтинг тизими, Case-Problem-Method”, “Case-Incident-Method” технологиялари асосида такомиллаштириш;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигининг ривожланганлиги даражасини аниқлаш кўрсаткичлари ва мезонлари асосида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг таълими асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот муаммосига оид илмий манбалар, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета ва тест ўтказиш, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касб таълими жараёнида ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини жорий этиш тамойиллари (ихчамлаштириш, тузилмалаштириш, рейтинглаш,

мунтазам баҳолаш) асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигининг ташкил-тузилмавий компонентлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив, креатив) мазмунан такомиллаштирилган;

умумкасбий ва ихтисослик фанлари модул бирликларидаги техник билимларни компьютер технологиялари асосида интеграциялаш, тизимли квантлаш ва когнитив визуаллаштириш орқали модулли билиш дастури мазмуни такомиллаштирилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг, “Case-Problem-Method”, “Case-Incident-Method” таълим технологиялари асосида такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик тузилмаси ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигининг такомиллашганлиги даражасини баҳолаш мезонлари (когнитив, фаолиятли, мотивацион, креатив) ва усуллари (назарий, техник, ижодий, модул-рейтинг тизими, ассисмент, квалиметрик) мунтазамлик, изчилик ва босқичма-босқич тамойиллари асосида ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигининг мазмуни, моҳияти ва тузилмаси аниқланган;

ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш моделини самарали жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари таклиф этилган;

талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган модулли ўқув дастури ва ўзлаштирилган билимларни назорат қилишнинг рейтинг тизимини ўз ичига олган ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини жорий этишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

“Касбий фаолиятга кириш”, “Касбий таълим методикаси”, “Амалий таълим методикаси”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”, “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” фанлардан услубий қўлланмалар, “Автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш” фанидан дарс беришда модулли ўқитиш технологияларини қўллаш” ва “Бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш” бўйича ўқитувчиларга ва талабаларга услубий тавсиялар, “Амалий касбий таълим методикаси” ва “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича электрон ўқув-методик мажмуа ишлаб чиқилган.

талабаларда ўқув-билиш компетентлигининг такомиллашганлиги даражасини баҳолаш мезонлари (когнитив, фаолиятли, мотивацион, креатив) ва усуллари (назарий, техник, ижодий, модул-рейтинг тизими, ассисмент, квалиметрик) мунтазамлик, изчилик ва босқичма-босқич тамойиллари асосида жорий этиш бўйича услубий кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда ўқитишнинг модул-рейтинг

технологияси танланганлиги ва жорий этилганлиги, тадқиқотнинг назарий ва эмпирик методларидан комплекс фойдаланганлиги, манбаларни таҳлил қилишда республикамиз ва хорижий давлатлар педагоглари илмий ишларига таянилганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик методлар воситасида қайта ишланиб асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларида ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш муаммосини тадқиқ қилишнинг асосий тушунчаларининг илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, ҳозирги замон шароитида олий таълим муассасалари талабаларида ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларининг аниқланганлиги, модул-рейтинг технологияси асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитиш методи, ўқув режа ва дастурлари, дастурий воситалар, методик таъминот, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини такомиллаштириш бўйича тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумқасбий (Касбий таълим методикаси) ва ихтисослик (Трактор ва автомобиллар) фанларини ўқитишда компьютер технологиялари асосида ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини қўллаш орқали талабаларнинг ўқув-қасбий компетентлигини такомиллаштириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, “Амалий қасбий таълим методикаси” ва “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича электрон ўқув-методик мажмуа яратилганлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган ўқув материаллари, талабаларда ўқув-билиш компетентлигининг шаклланганлиги даражасини модул-рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари, битирув малакавий иш ва унинг ҳимоясини квалиметрик баҳолаш усулидан бўлажак ўқитувчиларни қасбий тайёрлаш жараёнида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

қасб таълими жараёнида ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини жорий этиш тамойиллари (ихчамлаштириш, тузилмалаштириш, рейтинглаш, мунтазам баҳолаш) асосида бўлажак қасб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигининг ташкилий-тузилмавий компонентларини мазмунан такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялари 5111000-Касб таълими (5430100-Қишлоқ хўжалигини механизациялаш) бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2729-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар бўлажак қасб таълими ўқитувчиларда ўқув-

билиш компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва педагогик механизмлари такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Case-Problem-Method”, “Case-Incident-Method” таълим технологиялари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик модели Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёти институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали, Бухоро муҳандислик-технология институтларининг касб таълими йўналишларида амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2729-сон маълумотномаси). Мазкур модел олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилган;

умумқасбий ва ихтисослик фанлари модул бирликларидаги техник билимларни компьютер технологиялари асосида интеграциялаш, тизимли квантлаш ва когнитив визуаллаштириш, модулли билиш дастури орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг ўқув-методик таъминотини ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўқув-билиш компетентлигини баҳолашнинг модул-рейтинг тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2729-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-методик таъминот бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг тизими асосида тизимли ва объектив баҳолашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 тадан ортиқ илмий-услубий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 5 таси хорижий ва 6 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари,

объекти, методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модулли-рейтинг таълим технологияси асосида такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида касб таълими жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлиги ва уни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг моҳияти, мазмуни ва тузилмавий ташкил этувчилари, ўқитишнинг модуль-рейтинг технологиясини жорий этиш масалалари ёритилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлигида муҳим аҳамият касб этувчи касбий компетентлик, ўқитишнинг модулли-рейтинг технологиясини жорий этиш муаммолари ва илмий-педагогик асослари очиб берилган.

Педагогик тадқиқотлар кўрсатадики, ўқув-билиш компетентлиги талабаларда касбий ва махсус компетенцияларни самарали шакллантириш имконини беради. Бу эса бўлажак мутахассисларда ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш замонавий таълимнинг муҳим масалаларидан эканлигини билдиради. А.В.Хуторский ўзининг таснифларида ўқув-билиш компетентлигини билимларни эгаллашга, билиш фаолияти методларини ўзлаштириш, таълим жараёнида муайян кўникма ва малакаларни, ижодий фикрлаш ва мустақилликни ривожлантиришга йўналтирилган асосий компетенция сифатида кўрсатиб ўтади.

Бизнингча, компетентлилик - бу касбий фаолият жараёнида у ёки бу технологик амалларни бажариш кўникмалари ёки касбий маҳоратгина эмас, балки касбий билим ва кўникма, маҳорат, ижтимоий ахлоқ, жамоада ишлаш қобилияти, ташаббускорлик каби сифатлар йиғиндисидир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқув-билиш компетентлиги дейилганда унинг касб таълими ўқитувчиси фаолиятида зарур бўладиган назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга имкон берувчи махсус компетенцияларни эгаллашга йўналтирилган мустақил ўқув-билиш фаолиятга тайёргарлиги, ўз-ўзини ривожлантириш, касбий шаклланишга интилиши тушунилади.

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларининг мазмуни ва тузилмасини таҳлил этган педагогик олимлар (В.И.Андреев, И.Л.Дульчаева, Дж.Равен, О.В.Соколова, С.Е.Шимов) ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқув-билиш компетентлиги тузилмасининг ташкил этувчилари (компонентлари) қуйидагилардан иборат: мотивацион, когнитив, фаолиятӣ ва креатив.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўқув-билиш компетентлигининг мотивацион ташкил этувчиси талабанинг ўзининг таълим олишга бўлган эҳтиёжини англашини, касбий билим ва кўникмаларни эгаллашга интилишини, компетентликка бўлган ижобий мотивацияни англатади.

Когнитив ташкил этувчи билиш фаолияти воситалари ва натижаларини таҳлил этишни таъминлайди. Билиш фаолияти шаклланишининг барча босқичларида таҳлил этиш, синтезлаш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмалари талаб этилади. Фаолият ташкил этувчи билиш масалаларини мустақил ҳал этиш, билиш фаолияти усулларини, мақсад қўйиш, режалаштириш, ўқув-билиш фаолияти натижаларини баҳолаш, таҳлил этиш кўникмаларини эгаллашдан иборат. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўқув-билиш компетентлигининг креатив ташкил этувчиси мустақил билим олишни, билиш масалаларини мустақил ечишни, ижодкорликни, тадқиқотчилик фаолиятини ва натижаларини оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутати.

Ўқитишнинг модул-рейтинг таълим технологияси жаҳон педагогика амалиётида кенг тарқалган бўлиб, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб мамлакатимиздаги қатор муассасаларида ҳам ундан фойдаланилади. Модул-рейтинг таълим технологияси асосида ўқув фанини ўрганишнинг модул тамойили, таълим олувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишга фаолият ёндашув, ўзлаштирилган билимларни рейтинг тизими асосида баҳолаш ётади.

Модулли ўқитишнинг моҳияти (модул латинча “modulus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбекчада ўлчаш маъносини англатади) ўзида ўқув материаллари, маълумотлар ва методик кўрсатмаларни мужассам этган индивидуал ўқув дастури асосида таълим олувчининг мустақил таълим олиши ва ишлашидан иборат. Бунда унинг индивидуал қизиқишлари ва дастлабки тайёргарлиги даражаси эътиборга олинади.

Рейтинг – бу таълим олувчининг ўқув материални ўзлаштириши жараёнида мустақил иши ҳажми ва даражасини характерловчи баҳолар йиғиндиси.


Ўқув-билиш компетентлигининг такомиллашганлиги кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар белгиланди: мақсад қўйиш ва уни амалга ошириш имкониятларини билиш, ўз мақсадини тушунтира билиш; билиш вазифаларини шакллантириш ва фаразларни илгари суриш; ўзининг ўқув-билиш фаолиятини таҳлил қилиш; мустақил равишда билим эгаллаш; ўз ўқув-билиш фаолиятида ўз-ўзини таҳлил қилиш (рефлексия); ўқув-билиш фаолиятида ўзи-ўзини баҳолаш; ўзининг тадқиқотлари натижаларини оғзаки ва ёзма равишда тақдим этиш.

Ўқитишнинг модул-рейтинг таълим технологиясининг ташкилий-тузилмавий компонентлари қуйидагилардан иборат: модулли ишчи дастур, модулли ўқув машғулотлари, модулли ўқув материаллари.

Ўқитишнинг модул-рейтинг технологиясини жорий этиш жараёнида талабаларнинг мустақил ишлаши учун шарт-шароитлар таъминланди, улар ўзларининг ўқув фаолияти жараёни ва натижаларини таҳлил қилиш ҳамда назоратини амалга ошириш имконига эга бўлди, таълимнинг ички ва ташқи мақсадларига эришиши кафолатланди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришда ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси таълим сифатини оширишга қаратилган таълим тизимининг яхлитлигини таъминлайди. Унинг асосий элементларидан бири рейтингли назорат қилиш ва талабаларнинг эришган ютуқларини баҳолаш тизими ҳисобланади.

Ўқитишнинг модул-рейтинг таълим технологияси тузилмаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ўқитишнинг модулли-рейтинг таълим технологияси тузилмаси.

Ўқитишнинг модулли-рейтинг тизимида ўқитувчининг ўрни бекиёсдир, у ўқув жараёнини ташкил этишда фаол иштирок этиб, таҳсил олувчиларнинг мустақил фаолият олиб боришларини рағбатлантиради. Ўқув жараёнини модул-рейтинг технологияси асосида ташкил этиш талабага ўқитиш вақтини қисқартириш (оптималлаштириш) имконини беради. Ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси талабаларда мустақил таълим олиш, ўз-ўзини назорат қилиш, мақсадни белгилаш ва рефлексив (ўз-ўзини таҳлил этиш) кўникмаларини эгаллаш имконини беради, бу эса ўқув-билиш компетентлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришда модул-рейтинг таълим технологияси имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш жараёнини ташкил этиш мазмуни ва методикаси баён этилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш мазмунини шакллантиришда умумкасбий (Касбий таълим методикаси) ва ихтисослик (Трактор ва автомобиллар) фанлари модулларини ўқитишда модул-рейтинг назорати тизими ҳамда баҳолашнинг ассисмент, квалиметрик усулларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш моделининг мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив ва креатив компонентлари аниқлаштирилди.

Модул фаннинг бўлим ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади. Модул ўқув материалнинг мантқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Модул-рейтинг таълим технологиясининг мақсади талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Модул-рейтинг технологиясидан фойдаланиш талабанинг модул билан мустақил ишлаш жараёнида ўқув-билиш фаолиятининг муайян мақсадларига эришишини таъминлайди.

Модул мақсадли функционал birlik бўлиб, унда ўқув материалларини ўзлаштиришнинг мазмуни ва технологияси бир бутунга бирлаштирилди. Модул ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1. Муайян мақсадларга эга бўлган иш режаси.
2. Талабанинг ўзлаштириши учун мўлжалланган таълим мазмуни.
3. Дидактик мақсадларга эришиш учун методик кўрсатмалар.

Модул-рейтинг технологиясини амалда жорий этиш муайян педагогик шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ.

Биринчи шарт-шароит: ўқитувчиларнинг мотивацияси.

Иккинчи шарт-шароит: талабаларнинг мустақил таълим олиш ва билиш фаолиятини амалга оширишга тайёрлиги, минимал билим ва амалий тажрибага эгаллиги.


Учинчи шарт-шароит: модулларни кўпайтирилиши учун моддий имкониятларнинг мавжудлиги, ҳар бир талаба дастурий таъминот билан таъминланиши.

“Касбий таълим методикаси” ва “Трактор ва автомобиллар” фанлари модулларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг таълим технологияси асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилиб, унинг нафақат дидактик, балки ижтимоий-педагогик хусусиятга эга эканлиги асосланди.

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш модели педагогик воситаларни ташкил қилади, улар ўртасида турли алоқалар ўрнатади, улардан фойдаланиш тартибини белгилайди ва ривожланиш динамикаси ҳамда яхлитлигини ҳисобга олади.

Талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш модели ўзаро боғлиқ блокларни ўз ичига олади (2-расм).

Мақсад блоки педагогик фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилайди, талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришни таъминлайди, у 5111000 –Касб таълими (5430100 –Қишлоқ хўжалигини механизалаштириш) йўналиши бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларини, лойиҳалаштиришнинг асосий асослари бўлган умумкасбий (Касбий таълим методикаси) ва ихтисослик (Трактор ва автомобиллар) фанлар модулларини ўзлаштиришдаги фаолият турлари ва компетенцияларни ўз ичига олади.



2-расм. Талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модулли-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш модели

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий вазифаларни бажариш ишида: ўқув-технологик ускуналарни эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш; ходимларни (мутахассисларни) амалий тайёрлашда ўқув-техникавий муҳитдан фойдаланиш; тегишли малака даражасидаги мутахассиснинг касбий компетенцияларини шакллантириш; педагогик ва техник компетенциялар (“Касбий таълим методикаси” ва “Трактор ва автомобиллар” модули бўйича компетенциялар), ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун жорий стандартлар ва техник шарт-шароитларни билиш; педагогик, умумкасбий, ихтисослик, техник ва лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш бўйича махсус компетенциялар.

Мазмуний блокда “Трактор ва автомобиллар” фани тўрт модулга бўлинади: автотрактор двигателлари тузилиши ва ёнилғи мойлаш материаллари; автотрактор двигателлари назарияси ва ҳисоби асослари; трактор ва қишлоқ энергетик воситалари конструкцияси; трактор ва автомобиллар назарияси ва ҳисоби асослари. Модулларни ўқув элементларига ажратилган ҳолда ўргатиш кўзда тутилди.

Процессуал блокида ўқитишнинг шакллари, усуллари ва воситалари тақдим этилди. Талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш учун фаол ва интерфаол таълим методлари қўлланилди. Фаол таълим методлари (лойиҳа, тадқиқотчилик, кейс) талабаларнинг билиш (когнитив) фаоллигини намоён қилиш, интерфаол методлар (“Case-Problem-Method”, “Case-Incident-Method”) эса ҳамкорликда ўқитишни ташкил қилиш имконини берди, талаба ўқув жараёни субъекти сифатида иштирок этди, унинг тажрибаси ўқув-билишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқитувчи тайёр билимларни бермайди, балки иштирокчиларни мустақил изланишга даъват этади ва бу ишда маслаҳатчи вазифасини бажарди. Ушбу методлар ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва юқори натижаларга эришиш; фанни ўрганиш учун мотивацияни ошириш; талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш; аудиториядаги ишларининг улушини қисқартириш ва мустақил ишлари ҳажмини 70-90 фоизгача оширишга эришиш ва бошқаларга ёрдам берди.

Диагностик-натижавий блок талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигининг такомиллашганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Ушбу моделни жорий этиш самарадорлиги қуйидаги педагогик шарт-шароитлар мажмуаси орқали таъминланади: 1) талабаларда ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштириш учун ўқитувчининг назарий тайёргарлиги; 2) дифференциялашган ва индивидуаллаштирилган таълимни ташкил қилиш; 3) талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш; 4) талабаларни лойиҳалаш фаолиятига жалб қилиш.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларининг қўйилиши ва уларнинг таҳлили натижалари”** деб номланган учинчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларининг амалга оширилиши ва натижалари таҳлили баён қилинган.

Талабаларда ўқув-билиш компетентлигини модулли-рейтинг таълим технологияси асосида такомиллаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқичда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий билимлар асосларини ўзлаштириш даври (назарий билимларни ўзлаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув-амалий машғулотлар (устахона ишлари, лаборатория машғулотлари, семинар машғулотлари, педагогик амалиёт); шаклланган кўникмаларнинг малакага айланишини таъминловчи муаммоли, ижодий изланишни талаб этувчи амалий машғулотлар (жумладан, курс ва битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган машғулотлар ва бошқалар).

Иккинчи босқичда умумкасбий ва ихтисослик фанлар блокига кирувчи фанлар модулларини ўргатиш назарда тутилди. Шу боис таълим даври уларга талабаларда ўқув-билиш компетентлигини ўқитишнинг модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш мақсадида 5111000 – “Касб таълими” (5430100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) бакалавриат йўналишларида умумкасбий ва ихтисослик фанлари модуллари ўргатилди. Умумкасбий ва ихтисослик фанлари модулларининг ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилиб, модул-рейтинг технологияси асосида ўқитиш ва баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Модул-рейтинг таълим технологиясининг асосий мақсади ўқув жараёнининг барча босқичларида талабалар ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ишларни фаоллаштиришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидагиларга имкон берди: модул (фан)ларни ўрганиш учун мотивацияни ошириш, чуқур билим бериш, таълим самарадорлигини ошириш.

Таклиф этаётган методикани жорий этиш қуйидаги тамойилларга асосланди: модуллилик, таълим мазмунини алоҳида модуль элементларига ажратиш (модуль технологияси асосида ўқитиш), модулли-рейтинг тизимини жорий этиш (рейтинг назорати; ассисмент, квалиметрик баҳолаш), динамиклик, мослашувчанлик, истикболни кўра билишлик, услубий маслаҳатнинг кўп қирралилиги, тенг ҳуқуқлилик.

Модулли ишчи дастурларга таяниб, умумкасбий ва ихтисослик фанлари модулларини ўрганишда ўқитишнинг интерфаол шакллари (компьютер саводхонлиги, ишбилармонлик ўйинлари, амалий машғулотлар, психологик ва бошқалар) жорий этиш орқали талабаларда касбий компетенциялар шакллантирилди ва бунда кўпроқ аудиториядан ташқари мустақил ишлардан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари 2014-2018 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Бухоро муҳандислик-технология институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали “Касб таълими” йўналишларида ўтказилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари давомида мураккаб диагностика воситалари (дидактик тест, диагностик сўровномалар, ўз-ўзини баҳолаш варақалари, суҳбат (интервью)лар), ўзлаштириш натижаларини таҳлил этиш ҳамда умумқасбий ва ихтисослик фанлари модулларини ўрганиш вақтида талабаларнинг ишларини кузатиш методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари: а) ташкилий-тайёргарлик босқичи; б) тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш босқичи; в) якуний босқичлардан иборат бўлди.

Муайян вазиятларни таҳлил қилиш асосли муаммолар тизимини қуйидаги кетма-кетликда шакллантириш имконини беради: коммуникатив-когнитив, предмет-технологик, билимларни ўзлаштиришдан амалиётга асосланган ёндашувга ўтишни рағбатлантириш; аудитория машғулотлари режа-конспектлари, ўқув-услубий қўлланмалар ўқув жараёнини ташкил этишга хизмат қилди: “Трактор ва автомобиллар” фани модулидан лаборатория ишларини бажариш учун услубий кўрсатма; “Трактор ва автомобиллар” фани модулидан тест топшириқлари тўплами, ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш имкониятини яратди. Талабаларда ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг технология асосида такомиллаштириш жараёнида бўлажак педагогнинг касбий фаолияти таҳлил этилди. Бунда “Трактор ва автомобиллар фанининг ишчи модулли ўқув дастури” асосида ўқишдаги фанлараро алоқаларига алоҳида эътибор берилди, бу эса талабаларнинг индивидуал ютуқлари динамикасини кузатиш имконини берди. Ўқитиш воситаси сифатида аудиовизуал, мультимедиа, Интернет ресурслари қўлланилди. Ўқитишнинг модулли-рейтинг таълим технологиясини жорий этиш талабаларда ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштириш имконини бериши аниқланди.

Ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларнинг охирида тест топшириқларини бажариш бўйича талабалар яхши натижаларга эришадилар, аммо айрим талабалар айниқса, назорат гуруҳида паст ва ўрта даражаларга ўтиш кузатилди. Тажриба-синов олдида тажриба гуруҳидаги талабалар олинган назарий билимлари асосида муаммоларни мустақил ҳал қилишга олиб келди, тажриба-синовдан сўнг талабалар ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш, ўз фаолиятини муносиб баҳолаш, билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллашга ўргандилар.

Тажриба-синов ишлари 5111000 – “Касб таълими” (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Ер усти транспорт тизимлари) бакалавриат йўналишларининг “Касбий таълим методикаси”, “Трактор ва автомобиллар” фанлари модуллари ҳамда битирувчиларнинг битирув малакавий иши асосида олиб борилди. Фан модуллари бўйича маъруза, амалий машғулот ва лаборатория ишлари ишланмалари, технологик хариталари, модулли ишчи дастурга мувофиқ ҳар бир модул бўйича назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш саволлари, тест топшириқлари асосида талабаларнинг билим, амалий кўникма ва малакаларини баҳолашда рейтинг назорати, ассисмент методи ҳамда

битирув малакавий иши ва унинг ҳимоясини квалитетрик баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди.

Талабаларда ўқув-билиш компетентлигининг модул-рейтинг таълим технологияси асосида такомиллашганлик даражасини аниқлашда “Трактор ва автомобиллар” модули бўйича “Трактор ва автомобилларни мойлаш тизими” модул бирлигини ўрганиш методикаси ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда рейтинг назорати, ассисмент методлари, курс иши (лойихаси), битирув малакавий ишларини бажариш ва ҳимоясини квалитетрик баҳолаш методикаси қўлланилди, олинган натижалар таҳлил этилиб талабаларнинг ўқув-билиш компетентлиги (ўзлаштириши) юқори кўрсаткичлар бўйича баҳоланди.

Педагогик тадқиқотлар натижалари 5111000 – Касб таълими (5430100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши умумқасбий (Касбий таълим методикаси) ва ихтисослик (Трактор ва автомобиллар) фанлари модулларини модул-рейтинг технологияси асосида ўқитиш ва баҳолаш ижобий натижаларга олиб келишини кўрсатди:

биринчидан, талабалар юқори балл олишга қизиқишди. Натижада фанга бўлган ижобий муносабатлари сезиларли даражада ошди, мустақил фаолият кўрсатишлари фаоллашди;

иккинчидан, ўқитувчи ва талаба ўртасида педагогик ҳамкорлик кучайтирилди, бу эса ўқитувчи ва талабанинг билим даражасини назорат (мониторинг) қилиш ишларини осонлаштирди;

учинчидан, талабаларнинг мустақиллиги ва ижодкорлиги даражаси ошиб, уларда ижтимоий-иқтисодий ва ҳаётий шарт-шароитларга ижобий муносабат шаклланишига, ўз имкониятларига ишонч ҳисси пайдо бўлишига олиб келди.

5111000 – “Касб таълими” бакалавриат йўналиши талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини модул-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш бўйича тажриба-синов натижалари 1-жадвалда акс этган.


1-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари


